***«Ўзтадбиркор» банкини ҳозирги кунда Ўзбекистондаги энг йирик банклар қаторига қўшиш мумкин. У республикамизда бозор иқтисодиётига ўтилишининг илк босқичи чоғида фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида ташкил этилганди. 1993 йили, яъни илк фаолият бошлаш пайтида банкнинг низом жамғармаси 4,5 миллион сўмдан иборат бўлса, орадан ўтган уч йилга яқин фурсат ичида бу кўрсаткич салкам 80 баробар ошиб 350 миллион сўмга етди. Бу эса аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни юргазиш ва шу билан бирга тадбиркорлик тизимларини янада кенг равишда кредитлар билан таъминлаш учун катта имкониятлар туғдирмоқда. Бизнинг «Ўзтадбиркор» банк бошқаруви раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Гулнора Юсупова билан суҳбатимиз ҳам ушбу банкнинг ишлаб чиқариш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги роли хусусида бўлди.***

*Банклар фаолияти*

# «ЎЗТАДБИРКОРБАНК»: САМАРАЛИ ҚАДАМЛАР

**—Гулнора Абдураҳимовна, «Ўзтадбиркор» банкининг асосий фаолият йўналишлари тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.**

— Биз акционерлик-тижорат банклари сирасига кирамиз. Шу сабабдан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш, улар иштирокида турли операцияларни бажариш фаолиятимизнинг энг асосий йўналишларидандир. Банк ўтган йилнинг сентябрида ўзининг учинчи эмиссиясини ўтказди. Биринчи эмиссия 4 миллион 300 минг, иккинчиси 57 миллион сўм ҳажмида бўлган бўлса, учинчи эмиссия 350 миллион сўмни ташкил этди. Бизнинг қимматбаҳо қоғозларимиз — бу нақд акциялар бўлиб, уларнинг 90 фоизини оддий, ўн фоизини эса имтиёзли акциялар ташкил қилади. Ҳозирги кунда акцияларимизнинг учдан бир қисми мижозларимиз қўлида бўлиб, улар қаторида бизнинг акциядорларимиз ҳисобланмиш 7 минг тадбиркор ҳам бор. Акцияларнинг маълум қисмини эса банк биржа савдосига қўяди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, банк акцияларига талаб-эҳтиёж катта. Зеро, кўпгина корхоналарнинг акционерлик жамиятларида қимматбаҳо қоғозлар йиғимини энг яхшиси, банк акциялари ҳисобига шакллантириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар.

**— Банк, бу — сармояси ишлаб чиқаришни, жумладан тадбиркорликни ривожлантиришда фаол иштирок этиши даркор бўлган инвестиция тизимидир. Кредитлар беришдан ташқари яна қандай фаолият турларини амалга оширяпсизлар?**

— Биринчидан, банкимиз республикамизда ривожланиб бораётган фонд бозорининг фаол иштирокчиси сифатида ўз акцияларини корхона ва ташкилотларга сотиб эркин маблағларни тўплайди. Улар эса келгусида турли хил лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш, амалдагиларни тараққий топтириш ва янги ишлаб чиқариш нуқталарини қуришга сарфлашди. Бундан ташқари банк шунингдек, турли хил корхоналарнинг акцияларини харид қилган ҳолда қимматбаҳо қоғозлари йиғимини шакллантиради. Бу ўз навбатида юқоридаги корхоналар тараққиётини маблағ билан таъминлайдиган омил ҳамдир. Республикамизда қимматбаҳо қоғозлар бозори лозим даража шаклланганда эса ушбу бўғин фаол ишлаб, катта фойда келтира бошлайди. Ҳозир эса биз ўтиш босқичида турибмиз ва жуда тез бўлмаса-да, асталик билан акциялар, депозит сертификатлари ҳамда бошқа қимматбаҳо қоғозларга ишончсизлик ҳолати барҳам топиб бормоқда. Бинобарин, тадбиркорлар қимматбаҳо қоғозлари ва чеклар билан ишлаш пул билан муомала қилишдан кам самара бермаслигини тушуниб етмоқдалар. Жумладан, харид қилинган маҳсулот, бажарилган хизматлар ҳисоб-китоби учун векселларнинг жорий этилиши билан банклардаги корреспондент ҳисоблари ҳолати сезиларли даражада яхшиланди, манбалар йиғила бошланди.

Банкимизнинг қимматбаҳо қоғозлари республикамизнинг турли вилоятларидаги 156 та вилоят шохобчаларида ҳам сотилмоқда. Уларни харид қилмоқчи бўлганлар эса «Ўзтадбиркор» банкининг низоми, унинг баланси, муассислари ва ривожланиш истиқболлари билан олдиндан танишиб чиқишлари мумкин. Бу мижозларга вазиятни тўғри баҳолаш, аниқ тўхтамга келиш учун кўмак беради.

**— Банкингиз албатта биринчи навбатда салмоқли мижозларни афзал кўрса керак?**

— Ҳозирги кунда 55 мингга яқин мижозларимиз бўлиб, унинг 40-55 фоизини акционерларимиз ташкил этади ва биз барча мижозларимизга тенг муносабатда бўламиз. Чунончи, гилам тўқиш ёхуд дўппи ёки миллий чопонларни тикиш билан шуғулланувчи, таркиби 2-3 кишидан иборат хусусий фирма ҳам, кенг ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлган, ўзига 100 дан ортиқ хизматчиларни бирлаштирган нуфузли хусусий ва кичик корхоналар ҳам бизнинг мижозларимиздир. Биз уларнинг барига бир хилда хизмат кўрсатамиз.

**— Ҳозирги кунда халқаро ҳамкорлик алоқаларисиз банкнинг ривожланишини тасаввур қилиш қийин. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, «Ўзтадбиркор» банкининг ўзига хос афзаллик томони шундаки, у орқали «Бизнес-фонд» ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Америка-Марказий Осиё фондининг кредитлари берилади. Германиянинг «KFW» банки билан келишув битими тайёрланди ва яқин фурсатда тадбиркорликни кредитлар билан таъминлаш бўйича шартнома тузилиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, Жаҳон банки ваколатхонаси билан инвестициялар борасида музокаралар олиб борилмоқда. МДҲ ҳамда Болтиқбўйи республикалари билан корреспондент муносабатлари тармоғи ҳам ривожланиб бормоқда.

Халқаро компаниялар билан ҳамкорликда ишлаш халқаро аудитни ўтказиш зарурлигини кўрсатди. У жаҳон талабларидан келиб чиққан ҳолда банкимизнинг ўз рейтингига эга бўлишига имкон яратади. Шу муносабат билан АҚШнинг таниқли «Артус — андерсен» аудиторлик фирмаси билан ишни бошлаб юбордик. Ўйлаймизки, у келгусида бизнинг банкимизнинг халқаро даражадаги аудит текширувини ўтказади.

**— Бу мижозларингиз билан одатдаги фаолиятни юритишга халал бермайдими?**

— Асло халал бермайди. Аксинча, бу мижозларимизга ўзларига хизмат қиладиган банкни тўғри танлаганликларига яна бир карра ишонч ҳосил қилишлари учун имкон туғдиради. Бундан ташқари мижозларимизга келгусида янада катта қулайликлар яратиш мақсадида ўз шахсий векселларимиз, депозит сертификатларни чиқариш, қимматбаҳо қоғозларни сотиш учун фонд дўконлари тармоғини ривожлантиришни режалаштиряпмиз. Биржа савдоларида янада фаолроқ иштирок этиш мақсадида эса мутахассис брокерларни тайёрлаш билан шуғулланмоқдамиз. Акциялар ҳам ўз дивидендларини келтирмоқдалар. Ўтган йил якунларига кўра дивидендлар тақрибан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этмоқда.

Суҳбатни Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди.

*Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби*

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

***Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида ҳаётимиздан янги тушунчалар ўрин олмоқда. Қимматли қоғозлар шулар жумласидандир. «Оқшом» муштарийларига қимматли қоғозлар хусусида муфассал маълумот бериш мақсадида «Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби» рукни остида туркум савол-жавоблар эълон қилишга қарор қилдик. Бу саволларга «Женерел пул» сармоялар бозори қатнашчилари ўзаро тараққиёт корпорацияси очиқ турдаги акционерлик жамиятининг президенти Шомансур Аъзамов жавоб беради.***

**— Қимматли қоғозлар нима?**

— Қимматли қоғозлар — бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки заём (қарз) муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир.

Қимматли қоғозлар — бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзув шаклида бўлиши ва ҳисоб-китоб қилишда, шунингдек кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланиши мумкин. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади.

Киритилган улуш шаклидан қатъи назар, қимматбаҳо қоғозларнинг қиммати Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса — чет эл валютасида (акциялар бўйича — мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) ифодаланади ва тўланади.

Ушбу қоидалар қимматли қоғозларнинг қуйидаги турларига амал қиладилар: акциялар; облигациялар; хазина мажбуриятлари; депозит сертификатлари; векселлар; қимматбаҳо қоғозлар ҳосилалари.

Қимматли қоғозлар маълум пул ҳужжатлари шаклида ёки депозитарийларнинг (қимматли қоғозларни сақловчи ташкилотларнинг) депо ҳисоб рақамларида махсус ёзувлар кўринишида (бошқача қилиб айтганда нақд ва қоғозсиз кўринишда) мавжуд бўладилар.

Қоғозсиз кўринишидаги қимматбаҳо қоғозлар муомалада махсус магнит ёки бошқа электрон ахборот воситалари ёрдамида бўлишлари мумкин.

Чиқарилган қимматбаҳо қоғозларда эгасининг исми ёзилган (исмли) ва эгасининг исми ёзилмаган (тақдим этувчига тегишли) бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозларни уч турга бўлиш мумкин:

— улуш қимматли қоғозлари;

— қарз қимматли қоғозлари;

— ҳосилавий қимматли қоғозлар (қимматбаҳо қоғозлар ҳосилалари).

Улушга эгалик муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар (ёки бошқача қилиб айтганда улуш қимматли қоғозлари) деб мулкий муносабатларни ўзида акс эттирувчи акциялар тушунилади.

Қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар (ёки бошқача қилиб айтганда қарз қимматли қоғозлари) деб кредит муносабатларини ўзида акс эттирувчи молиявий воситалар тушунилади.

Жамғарма бозорида эркин сотиладиган қимматли қоғоз нархи қимматли қоғознинг қадри (қиймат) нархи (курси) деб аталади.

***Шаҳримиздаги мавжуд кичик ва хусусий корхоналарнинг кўпчилиги бугунги кунда ўз тамғасига эга. Бунинг биргина мисоли сифатида «Омад қуши» фирмасини олайлик. Кейинги вақтларда айрим эркаклар кўйлаги, қурувчиларнинг коржомаларида шу фирманинг тамғаси кўрина бошлади. Фирманинг мустақил иш бошлаганига эса яқин кунларда бир йил тўлади...***



*Иш билганга минг танга*

# ОМАДЛИ «ОМАД ҚУШИ»

«Бекобод» маҳалласи шаҳримиздаги Акмал Икромов туманидан жой олган. Бу ерда жуда кўплаб аёллар бошқа фабрикаларнинг шохобчалари ҳисобидан уйга иш олиб касаначилик билан шуғулланишар эди. Эндиликда уларнинг айримлари эркин иш юритаётган «Омад қуши» фирмасида меҳнат қилишмоқда.

— Барака топгур Дадажон маҳалламиздаги элликка яқин аёлни иш билан таъминлаб қўйди, — дейди моҳир тикувчи Марғуба Қосимова. — Фирма бўлмай туриб, бу ерда Йўлдош Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасининг бўлими сифатида фаолият кўрсатар эдик. Мана 1995 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони чиққандан сўнг орадан озгина вақт ўтгач апрель ойида фирмамиз ташкил этилди. Бунда бўлинмамизнинг фақат номи ўзгармай, балки иш йўналиши ҳам бошқа томонга буриб юборилди. Энди бош кийимлар эмас, кўрпа жилдларининг термасини, эркаклар кўйлагини, махсус иш коржомаларини тикиб чиқара бошладик. Ҳозир «Бекобод» маҳалласидаги барча аёллар ҳеч бўлмаганда шу фирманинг касаначиси бўлиб, уйига иш олиб кетиб меҳнат қилишмоқда.



Фирма раҳбари Дадажон Юсупов маҳалла фаолларидан, меҳнатга чанқоқ аёллардан ғоят мамнун бўлиб шундай деди:

— Ҳар бир ишчи ўз меҳнатига қадрли бўлса, бошқанинг меҳнатини ҳам қадрлайди. Фирмамизда меҳнат қилишни истаган хотин-қизлар тикувчиликка оддий бир касб сифатида эмас, балки нозик дид ва юксак маҳорат соҳибалари деб қарайдилар. Уста Икбар Солиҳова, Марғуба Қосимова, Зулфия Аҳмадбекова ва бошқаларнинг ҳар бирининг ўз ўрни бор. Келажакда «Омад қуши»нинг тикувчилари бошқа хорижлик фирмаларда тикилаётган кийимларга рақобатбардошли, харидоргир кийимлар тика олишади.

Гулзода МАМБЕТОВА.

*СУРАТЛАРДА: фирманинг моҳир тикувчиларидан Марғуба опа Қосимова ҳамда Зулфия Аҳмадбековалар иш устида; тикилган маҳсулотлар назоратчилар томонидан текширилмоқда.*
*Засим Соколов олган суратлар.*

# ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРИ



- Ўзбекистонда энг йирик
- Хусусийлаштириш —давр талаби
- Хизмат кўрсатиш такомиллашади
- Ибрат олса арзийди




*Аввал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари, шаҳар ва вилоят хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида бўлиб ўтган икки кунлик илмий-амалий семинарда 300 дан зиёд тадбиркор иштирок этди. Аёллар раҳбарлик қилаётган 50 дан ортиқ корхона ўзлари ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли буюмларидан амалий кўргазма ташкил этишди.*

*СУРАТЛАРДА: (чапдан) Акмал Икромов туманидаги «Ҳожи бобо» хусусий фирмаси раҳбари Ҳожиакбар Зоитов ва Марҳамат Зоитовалар ўз маҳсулотларини тайёрлаш жараёни билан таништиришмоқда; ўнгдаги ўртадаги суратда ҳам шу фирма маҳсулотидан намуналар; «Жўрабек» хусусий дорихонаси хизматчилари бу ерга дорихонадаги нодир дармондорилардан келтиришган (чапда пастда); «Баҳор» хусусий модалар ательесининг тайёр кийимлари бежирим ва сифатлидир (ўнгда юқорида); «Кўҳи-Нур ЛТД» масъулияти чекланган жамиятнинг иш фаолияти жуда кўп тадбиркорларнинг эътиборини тортди (ўнгда пастда). Улар кўпроқ юмшоққина пар ёстиқ, болиш, кўрпачалар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишаётир.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

***Бозор иқтисодиётининг айни юксалиш йилида ҳар бир соҳада бўлгани каби тадбиркорлик ишлари ҳам жадал ўсиб бормоқда. Тадбиркорликка астойдил бел боғлаган кишилар билан мулоқот қилсангиз бунинг яна бир бор гувоҳи бўласиз. Биринчи суҳбатдошимиз Тошкент шаҳар тадбиркорлар уюшмасининг раиси, профессор Санъат Воҳидова:***

*Ишбилармон аёллар*

# Изланган имкон топади

— Тадбиркорлик қилиш учун етук мутахассис, ўта билимли, иқтисодиётнинг миридан-сиригача тушунадиган одам бўлиш керак. Айримлар у шаҳардан бу шаҳарга турли буюмларни олиб бориб сотишни ҳам тадбиркорлик деб тушунадилар. Йўқ, буниси савдогарчилик дейилади. Шу ўринда «савдогарчилик» билан «чайқовчилик»нинг орасидаги фарқни яхши англаб олмоқ жоиз. Чайқовчи бозорда фақат ўз манфаати учун курашади. Савдогар эса бир юртдан иккинчисига турли хилдаги буюмларни олиб бориб у шу юртнинг маданияти, тарихи ва ҳунари билан бошқаларни таништиради.

Тадбиркорликка тўхталадиган бўлсак, у кўпроқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда иш юритади. Мана мисол учун яқинда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг тадбиркор аёллари ҳамкорлигида илмий-амалий семинар ўтказилди. Шу семинар олдидан ажойиб тадбиркорлар ишини акс эттирувчи кўргазма ташкил этилди. Семинарга келган барча иштирокчилар шу ернинг ўзида бирбирлари билан ўзаро ҳамкорлик ипларини боғлашди. Тарихдан бизга маълумки, аёлларимиз ўз тадбиркорликларидан фойдаланган эканларми, демак биз ҳам ҳозирги кундаги яратилаётган барча имконият ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўз тадбиркорлик қобилиятимизни ишга солишимиз керак. Шуни унутмаслигимиз кераккки, биз аёллар оилада тадбиркормизми, демак жамиятимиз, мустақил республикамизнинг равнақ топиши учун ҳам ана шу тадбиркорлигимизни қўллашимиз керак.

**Навбатдаги суҳбатдошимиз Акмал Икромов туманидаги «Ҳожи бобо» хусусий корхонасининг раҳбари Хожиакбар Зоитов:**

— Тадбиркор аёллар орасида эркаклар нима қилиб юрибди экан, деб ҳайрон бўлманг. Агар келинойингиз Марҳаматхон бўлмаганида бу фирма дунёга келмаган бўлар эди. Аслида у киши раҳбар. Лекин ишни баравар бажарамиз. Хом ашёни етказиб бериш биздан, қўлбола қилиб жило бериш у кишидан. Фирмамизнинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин энг замонавий ва энг миллий услубда аёллар кийими тикиб мижозларни хурсанд этяпмиз. Марҳаматхон салкам 30 йилдан буён кийимларга гул тикиш билан шуғулланади. Буни каштачилик десак ҳам бўлади. У аввалига қизларимиз Холидахон ва Саидахонларни шу ишга ўргатди. Қизлар эса дугоналарини, маҳалладаги каттаю кичикни бу ҳунарни ўрганишга жалб этишди. Натижада бутун бошли битта цех пайдо бўлди-қўйди. Бу ҳам бўлса Марҳаматхоннинг тадбиркорлигидан деб биламан. Бундай дейишимга асос бор. Шахсан мен аввалига хамиртуруш цехи очмоқчи эдим. Уддасидан чиқолмай, хуноб бўлиб юрганимда Марҳаматхон менга далда бериб, хамиртуруш цехи бўлиши шартми, келинг, каштачилик цехи очиб қўя қолайлик, деб иш режаларини айтди. Хуллас, нима керак бўлса муҳайё қилдик. Ҳозирги кунда малакали каштачилардан 20 нафари ҳам уйда, ҳам фирмамизда меҳнат қилишмоқда. Маҳсулотларимизни «Штаб» бекатидаги кичкинагина махсус дўконимизда сотишни бошладик. Аёллар учун тикилаётган кўйлакларга, тўй болалари учун тўнларга, вилюрдан тикилган халатларга жило беришда фирмамиз каштачилари ўта маҳорат кўрсатишяпти. Ҳозирча 18 турдаги маҳсулотга ана шунча хилдаги каштачилик безакларини бериб тикаяпмиз. Шунингдек, якка буюртма асосида ҳам ишлар бажарилади.

— Тадбиркорнинг қандай иш билан шуғулланаётгани у ишлаб чиқараётган маҳсулоти билан ўлчанади, — **деб суҳбатимизга қўшилди Ҳамза туманидаги «Истиқбол» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Зебохон Қодирова.** — Биз эса маҳсулотимизни татиб кўриш учун тавсия этамиз. Яъни ҳозирги кунда энг нодир ҳисобланган, таркибида дармондориларга бой бўлган махсар ёғи ҳақида гапирмоқчиман. Бу ёғ махсар ўсимлигидан олиниб, бу ўсимлик Қозоғистонда кўп ўсади. Умуман олганда қурғоқ, суви кам жойларда ўсади. Сабаби у ўқ илдизли бўлиб, ернинг чуқур қатламидаги сувлардан озиқланади. Шунинг учун ҳам у дармондориларга ҳамда кислотага бой. Унинг дастлабки синалган миқдори шаҳримизда ишлаб чиқарилиб, мавжуд ёғлар ичида шифобахшлиги билан юқори ўринни олди. Эндиликда биз бу ўсимликлар кўп ўсадиган Навоий вилояти билан ҳамкорлик қилишни режалаштиряпмиз. Махсардан олинадиган ёғ учун алоҳида Нуротада селекция маркази ташкил этилаяпти. Қашқадарё вилояти ҳамда Бўстонлиқ туманида ҳам худди шу ўсимликдан алоҳида жой ажратилиб ўстирилмоқда. Уч йиллик илмий текширишларимиз зое кетмади. Тиббиётдаги мутахассисларнинг фикрича бу махсар ёғи ёш болаларнинг тез ривожланишида жуда ҳам фойдали экан.

Дарвоқе, ҳозирги замон аёллари фақат оилада эмас, жамоат орасида ҳам тадбиркордирлар. Уларнинг ҳар бирининг амалга оширган ишларини кўриб, тадбиркорлик шахс танламаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Суҳбатни Гулзода АБДУЛЛА қизи ёзиб олди.

*Бозор талаби асосида*

# МЕНЕЖЕР БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

***Ҳозирги кунда маиший хизмат турмушимизнинг асосий қисмини эгаллаб бораётган соҳалардан бирига айланиб қолганини ҳар биримиз ҳис қилаяпмиз. Шундай экан, бу хизмат турини такомиллаштириш, малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳар қачонгидан зарур эканлигини ҳаёт тақозо этмоқда. Тошкентдаги «Ўзмаишийхизматуюшма» тизимида фаолият кўрсатаётган Республика муддатли ўқув комбинати ана шундай вазифани ҳал этаётир.***

Ушбу муассаса пойтахтимиз ва вилоятлардаги маиший хизмат корхоналарига малакали мутахассислар етиштириб бераётган ягона билим даргоҳи, десак муболаға эмас. Бу ерда шунингдек ишчи кадрлар ва муҳандис-техник ходимларнинг малакаси ҳам оширилаяпти.

Ўқувчилар комбинатида олти ой мобайнида аёлларнинг европача ва миллий кўйлаклари, болалар ҳамда аёлларнинг устки кийимлари, эркаклар ва болалар кийимларини тикувчи чеварлар, кенг миқёсдаги аёллар ва эркаклар сартарошлари, сураткашларни тайёрлайди. Машғулотлар ўзбек ва рус тилида олиб борилаяпти.

Айни пайтда комбинатнинг Юнусобод туманидаги Мингўрик ва Чилонзор туманидаги Қуриниш кўчаларида жойлашган ўқув корпуслари мавжуд. Бўлажак усталар замонавий техника воситалари билан жиҳозланган хоналар ва устахоналарда таълим олиш билан бирга ўз маҳоратларини амалий ошириб боришаяпти.

Комбинатда шунингдек, маиший хизмат корхоналари йўлланмаси билан бичувчилар, бичувчи-модельерлар, сартарош-модельерлар, кенг миқёсдаги сураткашлар малака оширишаяпти. Ҳозирда пул тўлаб ўқиш ҳам йўлга қўйилган. Муассасада ўргатилаётган касблардан бирини танламоқчи бўлган киши мустақил керакли маблағни тўлаб, ўқиш тугагач тегишли ҳужжатни олаверади.

Кейинги пайтда амалий машғулотларни кўпайтириш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш муддатини қисқартиришга эришилаяпти. Илгари барча ўқув ишлари назарий билимлар олиш ва амалий тайёргарликка бўлинарди. Бундай ҳол корхона раҳбарларининг битирувчилар оддий амалий билимлардан ҳам бехабар эканликларидан норозилигига олиб келди. Қайта қуришдан сўнг ўқувчилар ишлаб чиқаришда банд бўлганлар билан бир хил шароитда билим олмоқдалар. Шу ўринда лаборатория-амалий машғулотларнинг аҳамияти катта бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир. Уч ой давомида масалан, бўлажак чеварлар 11 турдаги буюртмаларни мукаммал бажаришлари зарур. Сартарошлар эса шу яқин ўртадаги мактаблар, олий ўқув юртлари, шифохоналардан келган мижозларнинг сочларини малакали усталар маслаҳатлари асосида олиб, ўз маҳоратларини ошириб борадилар.

— Бозор муносабатларига ўтилиши, янгича шароит маиший хизмат корхоналарига менежерларни етказиб беришни талаб этди, — дейди комбинат директори Бахтиёр Ҳакимов: — Буни инобатга олиб, муассасамиз қошида шу йил бошида менежерлар коллежини ташкил этдик. Бу ерда махсус йўналишлар бўйича дарс ўтиш ҳуқуқини берувчи тикувчи-дизайнерлар ва сартарош-дизайнерлар тайёрланмоқда. Яна бир томони ўқувчиларнинг хоҳишига қараб инглиз тили ҳам ўргатилади. Битирувчилар эгаллаган касблари бўйича ишлашлари, якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланишлари ёки турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқаришлари мумкин. Ҳозирги шароитда янгича фикрлайдиган малакали мутахассисларни етиштириш учун кенг қамровли дастур ишлаб чиққанмиз. Битирувчиларимиз бухгалтерия ҳисоб-китоби, солиқ, хўжалик ва меҳнат қонунчилиги, инглиз, ўзбек ва рус тиллари, бозор иқтисоди, меҳнат, ишлаб чиқариш, оила, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар, тадбиркорлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа нарсалардан хабардор бўлишади. Ўқув режасидан маркетинг ҳамда менежментлик ҳам ўрин олган.

Коллежда машғулотлар бошланиб кетган. М. Депутатова, Д. Абдуллаева, М. Ортиқов, Р. Ўтбосаров каби ишлаб чиқариш усталари ғайрат кўрсатиб таълим беришмоқда. Юқори малакали усталар етиштириш мақсадида комбинат раҳбарияти дарсларга олий ўқув юртларидан ўқитувчилар, «Ўзмаишийхизматуюшма» тизими мутахассислари, Тошкент шаҳридаги маиший хизмат корхоналарида меҳнат қилаётган тажрибали усталарни таклиф қилишаяпти.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «Ўзмаишийхизматуюшма» томонидан тасдиқланган дастурга кўра 2000 йилгача қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолини жалб этган ҳолда иш ўринларини очиш ҳисобига 40000 нафар мутахассислар тайёрлаш керак. Асосий эътибор пойабзал, кийимларни созлаш ва тиклаш усталари, сураткашлар, мураккаб маиший хизмат техникалари ва соатларни таъмирловчи мутахассислар тайёрлашга қаратилмоқда. Бундай масъулиятли вазифанинг ҳал этилишига муносиб улуш қўшиш мақсадида комбинат томонидан 33 турдаги касб эгаларини тайёрлаб бериш ҳақида таклиф киритилди.

Саъдулла ШОДИЕВ.

